

## Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 530-хадис

وَعَنْ أَبِي عَبْدِ اللَّهِ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: بَعْثَنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَمَرَ عَلَيْنَا أَبَا عُبَيْدَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ تَسْلَقَ عِيرًا لِفَرِيشِ، وَرَوَدَنَا حِرَابًا مِنْ تَمِّرٍ لَمْ يَجِدْ لَنَا غَيْرُهُ، فَكَانَ أَبُو عُبَيْدَةَ يُعْطِينَا تَمَرَةً تَمَرَةً، فَقَيْلَ: كَيْفَ كُنْتُمْ تَصْنَعُونَ بِهَا؟! قَالَ: نَمَصُّهَا كَمَا يَمَصُّ الصَّيْئُ، ثُمَّ نَشْرَبُ عَلَيْهَا مِنَ الْمَاءِ، فَتَكْفِينَا يَوْمَنَا إِلَى اللَّيْلِ، كُنَّا نَضْرِبُ بِعِصْبَيْنَا الْخَبْطَ، ثُمَّ تَبْلُهُ بِالْمَاءِ فَنَأْكُلُهُ.

وَانْطَلَقْنَا عَلَى سَاحِلِ الْبَحْرِ، فَرُفِعَ لَنَا عَلَى سَاحِلِ الْبَحْرِ كَهْيَةُ الْكَثِيبِ الْضَّحْمِ، فَأَتَيْنَاهُ؛ فَإِذَا هِيَ دَابَّةٌ تُدْعَى الْعَنْبَرَ، فَقَالَ أَبُو عُبَيْدَةَ: مَيْتَةٌ، ثُمَّ قَالَ: لَا، بَلْ نَحْنُ رُسُولُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَفِي سَبِيلِ اللَّهِ، وَقَدْ اضْطُرْرَنَا فَكُلُّوْا، فَأَقْمَنَا عَلَيْهِ شَهْرًا، وَحَنْثُ ثَلَاثُ مَنَةٍ، حَتَّى سَمِّنَا، وَلَقَدْ رَأَيْتُمَا تَغْرِفُ مِنْ وَقْبِ عَيْنِهِ بِالْقِلَالِ الدُّهْنَ، وَنَقْطُعُ مِنْهُ الْفِدَرَ كَالثَّوْرِ - أَوْ كَقَدْرِ الثَّوْرِ - . وَلَقَدْ أَخْذَ مِنَا أَبُو عُبَيْدَةَ ثَلَاثَةَ عَشَرَ رَجُلًا فَأَقْعَدْهُمْ فِي وَقْبِ عَيْنِهِ، وَأَخْذَ ضِلَاعًا مِنْ أَضْلَاعِهِ فَأَقْامَهَا، ثُمَّ رَحَلَ أَعْظَمَ بَعِيرٍ مَعْنَا، فَمَرَّ مِنْ تَحْتِهَا، وَتَرَوَدَنَا مِنْ لَحْمِهِ وَسَائِقَهُ، فَلَمَّا قَدِمْنَا الْمَدِينَةَ أَتَيْنَا رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَلَكَرَنَا ذَلِكَ لَهُ، فَقَالَ: «هُوَ رِزْقُ أَخْرَجَهُ اللَّهُ لَكُمْ، فَهَلْ مَعَكُمْ مِنْ لَحْمِهِ شَيْءٌ؟ فَتُطْعِمُونَا؟» فَأَرْسَلْنَا إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْهُ فَأَكَلَهُ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ [1935].

«الْحِرَابُ»: وِعَاءٌ مِنْ جِلْدٍ مَعْرُوفٍ، وَهُوَ بِكَسْرِ الْجِيمِ وَفَتْحِهَا، وَالْكَسْرُ أَفْصَحُ.

قَوْلُهُ: «نَمَصُّهَا» بِفَتْحِ الْمِيمِ «وَالْخَبْطُ» وَرُقُ شَجَرٍ مَعْرُوفٍ تَأْكُلُهُ الْإِبْلُ. «وَالْكَثِيبُ» التَّلُّ مِنَ الرَّمْلِ، «وَالْوَقْبُ»: بِفَتْحِ الْوَاءِ وَإِسْكَانِ الْقَافِ وَبَعْدَهَا بَاءٌ مُوَحَّدَةٌ، وَهُوَ ثُقْرَةُ الْعَيْنِ «وَالْقِلَالُ» الْجِرَارُ، «وَالْفِدَرُ» بِكَسْرِ الْفَاءِ وَفَتْحِ الدَّالِ: الْقِطْعُ. «رَحَلَ الْبَعِيرُ» بِتَحْفِيفِ الْحَاءِ: جَعَلَ عَلَيْهِ الرَّحْلَ،

وَ «الْوَشَائِقُ» بِالشِّينِ الْمُعْجَمَةِ وَالْقَافِ: الْلَّهُمَّ الَّذِي قُطِعَ لِيَقْدَدَ، وَاللهُ أَعْلَمُ.

Абу Абдуллоҳ Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Убайдани амир қилиб, бизни Қурайшнинг карвонини тўсиб чиқиш учун жўнатдилар ва бизга бир халта хурмо бердилар. Бизга беришга шундан бошқа нарса топа олмадилар. Абу Убайда бизга (кунига) бир донадан хурмо берарди». «Уни нима қилар эдинглар?» дедим.

У шундай деди: «Уни гўдак сўргандек сўриб, кейин устидан сув ичар эдик, шу бизга ўша куни кечгача кифоя қилар эди. Ҳассаларимиз билан барг қоқиб, кейин уни сув билан намлаб ер эдик. Кейин денгиз соҳили бўйлаб юрдик. Бир пайт денгиз соҳилида йирик қум тепалигиға ўшаган нимадир кўтарилди. Яқин келиб қарасак, анбар деган жонивор экан. Абу Убайда: «Ўлимтик-ку», деди. Кейин: «Йўқ, биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг элчиларимиз, Аллоҳ йўлидамиз. Биз музтар бўлдик, еяверинглар», деди. Биз уч юз киши эдик. Биз уни бир ой еб, ҳатто семириб кетдик. Эсимда, унинг кўз косасига хумларни ботириб, ёғ олар эдик, ундан ҳўкизни бўлаклагандек [ёки «ҳўкиздек»] бўлаклар кесиб олар эдик. Абу Убайда бизни унинг кўз косаси ичига ўтқазган эди, ўн уч киши сиғди. Унинг қовурғаларидан бирини олиб тиккалади-да, кейин энг катта туямизни миниб, ўшанинг остидан ўтди. Унинг гўштидан қоқлаб, ғамлаб олдик. Мадинага келгач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бориб, у зотга буни айтган эдик, у зот: «У Аллоҳ сизларга (дengizdan) чиқариб берган ризқдир. Ёнингизда унинг гўштидан бироз борми, бизни ҳам меҳмон қилсангиз?» дедилар».

Ином Муслим ривояти.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



